

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЎЛАТОВА ПАРИЗОДА ҲАМЗА ҚИЗИ**

**КОРОНАР ЮРАК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА БУЙРАК  
ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ КЛИНИК ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of philosophy (PhD)**

**Пўлатова Паризода Ҳамза қизи**

Коронар юрак касаллиги бўлган беморларда буйрак дисфункциясининг  
клиник ва прогностик аҳамияти..... 3

**Пулатова Паризода Ҳамза кизи**

Клинико-прогностическое значение почечной дисфункции у больных с  
коронарной болезнью сердца..... 31

**Pulatova Parizoda Khamza qizi**

Clinical and prognostic significance of renal dysfunction in patients with  
coronary heart disease..... 59

**E'lon qilingan ishlar ro'yxati**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 65

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЎЛАТОВА ПАРИЗОДА ҲАМЗА ҚИЗИ**

**КОРОНАР ЮРАК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА БУЙРАК  
ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ КЛИНИК ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2023.4.PhD/Tib4064 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cardicenter.uz](http://www.cardicenter.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ташкенбаева Элеонора Негматовна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Срожидинова Нигора Зайнутдиновна  
тиббиёт фанлари доктори,

Алимов Дониёр Анварович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.tib.64.01 рақамли илмий кенгашнинг 2026 йил «26» январь кунли соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Ташкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй, Тел./факс: (99871) 237-31-57, e-mail: [info@cardicenter.uz](mailto:info@cardicenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 66 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Ташкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй, Тел./факс: (99871) 237-31-57.

Диссертация автореферати 2026 йил «8» январь кунли таркатилди.  
(2026 йил «8» январь даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Р.Д.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А. Б. Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Коронар юрак касаллиги (КЙК) дунёдаги юрак-қон томир тизими касалликларининг энг кенг тарқалган касалликларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра «... барча ўлимларнинг 31% и юрак-қон томир тизими касалликларидан келиб чиқади...»<sup>1</sup>. Сўнгги йилларда КЙК ва буйрак дисфункциясининг биргаликда келган ҳолатларини эрта ташхислаш бўйича ёндашувларни ишлаб чиқишда, клиник ва гемодинамик кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, касалликнинг прогнози ўртасидаги боғлиқликни ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади ва сурункали буйрак касаллиги (СБК)нинг асосий патологик ҳолат билан биргаликда келишининг юқори тарқалиш частотаси жиддий клиник муаммо ҳисобланади. Бу борада эришилган ютуқларга қарамай, даволаш усулларини танлаш ва уларнинг натижалари нуқтаи назаридан самарадорлигини таъминлашга ёндашувда бир қатор ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда, бу ўз навбатида даволаш ва профилактика йўналишларини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Жаҳонда юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларда эрта ташхис қўйиш, даволаш усуллари ва самарадорлигини оширишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кардиоренал синдромда коронар артериялар зарарланишини эрта ташхислаш мезонларини такомиллаштириш, касалликнинг ривожланиши ва кечишини башорат қилиш, рентгеноконтраст диагностика ва даволаш усулларини қўллашнинг энг салбий оқибатларидан бири буйракларнинг контраст оқибатидаги шикастланиши (КИН)ни олдини олиш, уларнинг узоқ муддатли натижаларини ҳисобга олган ҳолда, танланган йўналишнинг долзарблигини ва замонавий ёндашувларни оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш заруратини белгилайди, юқори технологик усуллар ёрдамида даволаш касалликнинг прогнози ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, тиббиёт соҳасини жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, эрта ташхислаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Янги Ўзбекистонни «2022-2026-йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегияси»<sup>2</sup> да аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича вазифалар киритилган. Шу муносабат билан юрак-қон томир касалликларида малакали тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш орқали юрак-қон томир касалликларидан ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг олдини олиш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон // <https://lex.uz/docs/-5841063>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60- сон «2022-2026- йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегияси», 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ-4891-сон «Профилактик тиббий тадбирларни самарадорлигини ошириш ҳисобига аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2021-йил 25-майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар», 2022-йил 25-апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида IV «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Бир қатор тадқиқотларга кўра, КИН КЙК билан оғриган беморларнинг 10-20% да, айниқса СБК билан оғриган беморларда ривожланади ва буйрак дисфункциясининг ривожланиш хавфининг ошиши, гемодиализга бўлган эҳтиёж ва юрак-қон томир касалликлари оқибатидаги ўлим частотасининг кўпайиши билан боғлиқ (Kewcharoen J.2024). Шунингдек, СБКнинг юрак-қон томир патологиялари билан биргаликда келиши, шу жумладан ўткир коронар синдром ва юрак етишмовчилиги хавфининг ошиши (Berger J.S. 2023) ҳамда КИН частотасининг ошиши (Chong E.2024) билан чамбарчас боғлиқлиги қайд этилган. СБК ўткир юрак етишмовчилиги (ЎЙЙ) ва ритм бузилиши каби асоратлар частотасини ошириб, ЎКСнинг оғирроқ кечишига ҳисса қўшиши аниқланган (Lee E.H. 2024). СБК билан оғриган беморларда, айниқса кеч босқичларда (3б-5) КИН хавфи 2-3 барабар ошади, бу буйракларнинг филтрация функциясининг бузилиши, оксидловчи стресс ва тизимли яллиғланиш билан боғлиқ (Thompson K.L.2025).

Сўнгги йиллардаги тадқиқотларда КИНни эрта аниқлаш учун прогностик белгилар фаол ўрганилмоқда. Буйрак дисфункциясида цистатин С креатининга нисбатан сезгирроқ маркер сифатида филтрация функциясидаги эрта ўзгаришларни аниқлаш қобилияти туфайли муҳим аҳамиятга эга (Mussap M. 2024, Демчук О. В. ва бошқалар). Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, цистатин С даражасининг ошиши КЙК билан оғриган беморларда КИН ва юрак-қон томир патологиялари хавфининг ошиши билан боғлиқ (Козлов В.И. ва бошқалар). Бироқ, КИНнинг ривожланиши ва эрта биомаркерларнинг прогностик аҳамияти ҳақидаги маълумотлар зиддиятли бўлиб қолмоқда ва КИН хавфини аниқлаш учун оптимал чегаравий қийматлар қўшимча аниқлик киритишни талаб қилади.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда СБКнинг КЙК билан бирга кечиши ва КИН ривожланишига таъсирини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда (Абдурахманов А.Б. ва ҳаммуал. 2025, Ахмедов М.А. ва ҳаммуал. 2024,



Абдуллаев Ш.Р. ва ҳаммуал. 2022, Ташкенбаева Э.Н., Хасанжанова Ф.О. 2020). Республикада ўтказилган клиник ва эпидемиологик тадқиқотлар СБКнинг кардиологик беморлар орасида юқори тарқалганлигини, шунингдек, унинг юрак ишемик касаллиги ва ўткир коронар синдромнинг кечишига сезиларли таъсирини тасдиқлади. Шундай қилиб, Курбонов Р.Д. (2024), Аляви А.Л. (2023), Каримова У.К. (2024) ва Камилова У.К. (2023) ишларида СБК мавжудлиги ўткир юрак етишмовчилиги, аритмиялар ва миокард инфарктидаги салбий оқибатлар хавфини сезиларли даражада ошириши кўрсатилган. Бундан ташқари, муаллифлар коптокчалар филтрация тезлиги (КФТ) пасайган беморларда КИН ривожланишининг юқори частотасини ва самарали скрининг ва профилактика стратегияларини, шу жумладан касалхона босқичида жорий этиш зарурлигини таъкидлайдилар. Юқоридагиларнинг барчаси шунини кўрсатадики, СБК нинг КЙК билан биргаликда келган ҳолатлари, КИН дунёнинг аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам миллий ва халқаро соғлиқни сақлашнинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг илмий муассаса илмий фаолияти режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқот Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалининг илмий-тадқиқот ишлари доирасида ва амалий грант ПЗ-20170927280 “Беқарор стенокардияни молекуляр-генетик усуллар ёрдамида прогноз қилиш ва уларни даволашда шахсий ёндашувни ишлаб чиқиш” лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2023-2025 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади:** коронар юрак касаллиги билан оғриган беморларда контраст-индуцирланган нефропатия ва унинг оқибатларини олдини олиш мақсадида буйрак дисфункциясини эрта ташхислашни оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

коронар юрак касаллиги билан оғриган беморларда касалхонада даволаниш даврининг ўзига хос хусусиятларини ва сурункали буйрак касаллигининг прогностик аҳамиятини аниқлаш;

коронар юрак касаллиги билан оғриган беморларда сурункали буйрак касаллиги мавжудлигига қараб даволашнинг рентгеноконтраст усулларида фойдаланишни, шу жумладан контраст-индуцирланган нефропатиянинг беморларда салбий оқибатларнинг ривожланишига таъсирини аниқлаш;

ST-элевациясиз миокард инфаркти билан оғриган беморларда буйрак дисфункциясини ташхислашда цистатин С нинг прогностик аҳамиятини аниқлаш;

ST-элевациясиз миокард инфаркти билан оғриган беморларда контраст-индуцирланган нефропатияни олдини олишда, ҳамда касалликни кечишига юқори дозадаги статинларнинг таъсири ва самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида - КЙК ташхиси қўйилган, стационар даволанган 160 нафар проспектив ҳамда 100 нафар ретроспектив усулда ўрганилган беморлар, 35 нафар бемор назорат гуруҳи учун танланган. Тадқиқотга 295 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети:** сифатида беморларнинг қон зардобинамуналари, шунингдек, буйрак ва юрак-қон томир тизимининг функционал ҳолатини ақс эттирувчи клиник, визуал (ангиография), лаборатор ва инструментал маълумотлар.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда клиник, асбобий, лаборатор, инструментал, визуал ва статистик тадқиқот усуллари олиб борилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Илк бор сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда коронар юрак касаллигининг клиник-метаболик кечиш хусусиятлари ўрганилиб, сурункали буйрак касаллигининг мавжудлиги уларнинг ёши катталиги, тана вазни индекси юқорилиги, 2-тип қандли диабет ва артериал гипертониянинг тез-тез учраши, шунингдек камқонлик, гиперхолестеринемия, мультифокал атеросклероз кўрсаткичларининг юқорилиги билан ишончли боғлиқлиги ҳамда сурункали буйрак касаллиги юқори госпитал хавф шаклланишида ва касалликнинг янада оғир клиник кечишида муҳим омил эканлиги аниқланган;

Сурункали буйрак касаллигининг мавжудлиги контраст-индуцирланган нефропатия ривожланиш хавфи туфайли инвазив даволаш усуллариининг чекланиши-реваскуляризация частотасининг пасайишига олиб келиши, контраст-индуцирланган нефропатиянинг эса асосан сурункали буйрак касаллигининг 3-4 босқичида, артериал гипертония ва қандли диабетли беморларда кўпроқ учраши, шунингдек госпитал ва узоқ муддатли асоратлар частотасининг ошиши билан боғлиқлиги биринчи марта аниқланган;

Юрак коронар касаллиги мавжуд беморларда буйраклар функционал ҳолати бузилишларининг эрта клиник намоён бўлиш белгилари коптокча филтрацияси тезлиги пасайишининг эрта биомаркери-Цистатин С энг сезгир ва прогностиклиги, диагностик аниқлиги юқорилиги, КИН хавфини башорат қилишдаги устунлиги ва  $>1,0$  мг/л даражасида хавфни 5,1 баравар ошириши билан ажралиб туриши ҳамда эндотелий дисфункцияси билан боғлиқ яллиғланиш маркерлари (IL-1, IL-6, ЎНО- $\alpha$ , СРО) билан буйраклар зарарланишининг эрта биомаркерлари (цистатин С, нефрин, коллаген IV) ўртасидаги патогенетик боғлиқлик аниқланган;

Коронар юрак касаллиги мавжуд беморларда кардиоренал дисфункцияга ҳос клиник, биохимик интеграл мезонлар IL-1, IL-6, ЎНО- $\alpha$ , СРО, умумий холестерин, паст зичликдаги липопротеид, цистатин С, нефрин, коллаген IV биомаркерлари динамикаси асосида юқори дозадаги аторвастатиннинг контраст-индуцирланган нефропатиянинг ривожланиши ва авж олишининг патогенетик омилларига ҳамда яллиғланиш маркерлари ва липид профилини сезиларли яхшилаши натижасида коронар юрак касаллигининг клиник намоён бўлишига ва буйраклар функционал ҳолатига таъсир самарадорлиги илк бор аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

КЙК билан касалланган беморларни қабул қилишда СКD-EPI creat+cys формуласи бўйича КФТни ҳисоблаш орқали буйрак функциясини баҳолаш ва КФТ  $<60$  мл/мин/1,73 м<sup>2</sup> бўлганларни юқори хавф гуруҳи сифатида ажратиб,



уларда кенгайтирилган мониторинг ва эрта инвазив ёндашувни қўллаш зарурлиги асослаб берилган;

КЙК бўлган беморларда буйрак дисфункциясини эрта ташхислаш ва КИН хавфини олдиндан баҳолаш учун цистатин С даражасини мунтазам ўлчаш,  $>1,0$  мг/л бўсаға қийматини эса юқори хавф белгиси сифатида қабул қилиб, контраст миқдорини оптималлаштириш ва нефротоксик дори воситаларини эҳтиёткорона қўллаш лозимлиги аниқланган.

КИН профилактикасини кучайтириш ва узоқ муддатли юрак-қон томир прогнозини яхшилаш мақсадида, айниқса СБК мавжуд бўлганда ёки цистатин С даражаси юқори бўлганда, КАГдан олдин 80 мг аторвастатин қўллаш орқали КИН частотасини, яллиғланиш фаоллигини ва липид бузилишларини камайтириш самарали эканлиги асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, КЙК ва СБК билан оғриган беморларда буйрак дисфункциясининг касаллик кечишига таъсири, цистатин С нинг эрта диагностик қиймати, КИН билан боғлиқ корреляциялар ва юқори доза аторвастатиннинг самарадорлиги илмий асосланган клиник хулоса сифатида изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, СБК мавжуд беморларда КЙКнинг оғир кечишини баҳолаш, хавф мезонларини аниқлаш, операциядан олдин цистатин С асосида стратификация қилиш ва аторвастатин билан КИН профилактикаси самарадорлиги клиник амалиётда қўллаш учун муҳим йўналишлар сифатида изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2025-йил 7-июльдаги 21-сонли йиғилиш баённомасига асосан, илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича №21/57-сонли хулосасига биноан:

*биринчи илмий янгилик:* Илк бор сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда коронар юрак касаллигининг клиник-метаболик кечиш хусусиятлари ўрганилиб, сурункали буйрак касаллигининг мавжудлиги уларнинг ёши катталиги, тана вазни индекси юқорилиги, 2-тип қандли диабет ва артериал гипертониянинг тез-тез учраши, шунингдек камқонлик, гиперхолестеринемия, мультифокал атеросклероз кўрсаткичларининг юқорилиги билан ишончли боғлиқлиги ҳамда сурункали буйрак касаллиги юқори госпитал хавф шаклланишида ва касалликнинг янада оғир клиник кечишида муҳим омил эканлиги аниқланган бўлиб, ушбу ҳолат Самарқанд давлат тиббиёт университети мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025-йилдаги 29-январдаги 6-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Коронар юрак касаллиги билан оғриган беморларда буйрак дисфункциясининг

прогностик аҳамияти” ва “Контраст-индуцирланган нефропатияни ўз вақтида аниқлаш ва профилактика усуллари” мавзусидаги услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиология бўлимида клиник амалиётга жорий қилинган (14.03.2025-йилдаги 11/4-сонли буйруқ) ва КЙК билан оғриган беморларда буйрак дисфункциясининг клиник ва прогностик аҳамиятини баҳолашда, асоратларнинг юқори хавф гуруҳини эрта аниқлаш ва интенсив мониторинг тактикасини танлашда қўлланилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Ажратиб олинган клиник-метаболик маркерларни қўллаш госпитал асоратлар хавфи юқори бўлган беморларни ўз вақтида аниқлаш имконини берди, бу ўлимни камайтиришга, юрак-қон томир декомпенсациясининг олдини олишга ва стационар босқичда беморларни йўналтиришни яхшилашга ёрдам берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* юқори хавфли беморларни эрта аниқлаш интенсив терапия ва такрорий касалхонага ётқизишга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу ёндашувни жорий этиш оғир асоратларнинг олдини олиш ва даволаш-ташхислаш чора-тадбирларини оптималлаштириш орқали бир бемор учун ўртача харажатларни 420000 сўмга камайтиришга имкон берди.

*иккинчи илмий янгилик:* Сурункали буйрак касаллигининг мавжудлиги контраст-индуцирланган нефропатия ривожланиш хавфи туфайли инвазив даволаш усуллариининг чекланиши-реваскуляризация частотасининг пасайишига олиб келиши, контраст-индуцирланган нефропатиянинг эса асосан сурункали буйрак касаллигининг 3-4 босқичида, артериал гипертония ва қандли диабетли беморларда кўпроқ учраши, шунингдек госпитал ва узоқ муддатли асоратлар частотасининг ошиши билан боғлиқлиги биринчи марта аниқланган, ушбу ҳолат, Самарқанд давлат тиббиёт университети мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025-йилдаги 29-январдаги 6-сонли баённома билан тасдиқланган “Коронар юрак касаллиги билан оғриган беморларда буйрак дисфункциясининг прогностик аҳамияти” ва “Контраст-индуцирланган нефропатияни ўз вақтида аниқлаш ва профилактика усуллари” мавзусида услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг рентгено-эндоваскуляр хирургия бўлимига жорий этилган (2025-йил 22-апрелдаги 18/5-сонли буйруқ), унда СБК билан оғриган беморларда коронарография ўтказишдан олдин буйрак хавфини мажбурий баҳолаш ва нефропротектив тайёргарлик протоколи қўлланилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Тадқиқот натижаларининг қўлланилиши КИН хавфи юқори бўлган беморларни ўз вақтида аниқлаш ва оғир кардиоренал асоратлар ривожланишининг олдини олиш имконини берди. Бу шифохона ичидаги ўлимни, ўткир буйрак етишмовчилиги ҳолатларини камайтиришга ва инвазив аралашувлар хавфсизлигини оширишга ёрдам берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* контраст-индуцирланган нефропатиянинг олдини олиш ўткир буйрак етишмовчилигини, такрорий касалхонага ётқизиш ва даволашга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Интенсив терапия, диализ технологияларини қўллаш ва стационарда узоқ қолиш харажатларини камайтириш ҳисобига бир бемор ҳисобига ўртача 360000 сўм иқтисод қилинди.

*учинчи илмий янгилик:* Юрак коронар касаллиги мавжуд беморларда буйраклар функционал ҳолати бузилишларининг эрта клиник намоён бўлиш белгилари коптокча филтрацияси тезлиги пасайишининг эрта биомаркери-Цистатин С энг сезгир ва прогностиклиги, диагностик аниқлиги юқорилиги, КИН хавфини башорат қилишдаги устунлиги ва  $>1,0$  мг/л даражасида хавфни 5,1 баравар ошириши билан ажралиб туриши ҳамда эндотелий дисфункцияси билан боғлиқ яллиғланиш маркерлари (IL-1, IL-6,  $\text{УНО-}\alpha$ , СРО) билан буйраклар зарарланишининг эрта биомаркерлари (цистатин С, нефрин, коллаген IV) ўртасидаги патогенетик боғлиқлик аниқланган, ушбу ҳолат, Самарқанд давлат тиббиёт университети мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025-йилдаги 29-январдаги 6-сонли баённома билан тасдиқланган “Коронар юрак касаллиги билан оғриган беморларда буйрак дисфункциясининг прогностик аҳамияти” ва “Контраст-индуцирланган нефропатияни ўз вақтида аниқлаш ва профилактика усуллари” мавзусида услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази лаборатор-диагностика бўлими ва кардиология бўлими амалиётига жорий қилинган (10.04.2025-йилдаги 14/6 сонли буйрук) ва рентген контраст муолажаларини ўтказишдан олдин ўткир коронар синдромли беморларнинг лаборатор мониторинги баённомаларига цистатин С кўрсаткичи киритилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Цистатин С ни қўллаш буйрак функциясининг клиник жиҳатдан сезиларли ёмонлашуви пайдо бўлишидан олдин КИН хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш имконини берди, бу эса эрта аралашувга, асоратлар частотасини камайтиришга, КИК ва СБК билан оғриган беморларнинг омон қолиш даражасини оширишга ёрдам берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* буйрак дисфункциясининг юқори сезгир маркери - цистатин С ни клиник амалиётга жорий этиш оғир асоратлар частотасини сезиларли даражада камайтириш, гемодиализга бўлган эҳтиёжни камайтириш ва касалхонада даволаниш муддатини қисқартириш имконини берди. Ҳисобланган иқтисодий самарадорлик КИНни даволаш харажатларини камайтириш ва нохуш оқибатларнинг олдини олиш ҳисобига бир беморга ўртача 245000 сўмни ташкил этди.

*тўртинчи илмий янгилик:* Коронар юрак касаллиги мавжуд беморларда кардиоренал дисфункцияга хос клиник, биохимик интеграл мезонлар IL-1, IL-6,  $\text{УНО-}\alpha$ , СРО, умумий холестерин, паст зичликдаги липопротеид, цистатин С, нефрин, коллаген IV биомаркерлари динамикаси асосида юқори дозадаги аторвастатиннинг контраст-индуцирланган нефропатиянинг ривожланиши ва авж олишининг патогенетик омилларига ҳамда яллиғланиш маркерлари ва липид профилини сезиларли яхшилаши натижасида коронар юрак касаллигининг клиник намоён бўлишига ва буйраклар функционал ҳолатига таъсир самарадорлиги илк бор аниқланган, ушбу ҳолат, Самарқанд давлат тиббиёт университети мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025-йилдаги 29-январдаги 6-сонли баённома билан тасдиқланган “Коронар юрак касаллиги билан оғриган беморларда буйрак дисфункциясининг прогностик аҳамияти” ва “Контраст-индуцирланган нефропатияни ўз вақтида аниқлаш ва профилактика усуллари” мавзусида

услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ангиография бўлимига жорий этилган (2025-йил 22-апрелдаги 19/3-сонли буйрук), коронарография ва ТОКАга юборилган СБК билан оғриган беморларни операциядан олдинги тайёрлашда қўлланилади. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Аторвастатиннинг юқори дозаларини тайинлаш КИН частотасини камайтириш, юрак-қон томир асоратлари сонини 13,3% га камайтириш, КЙК ва СБК билан оғриган беморларнинг яшовчанлигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берди, бу айниқса коморбид патологияси бўлган катта ёшдаги гуруҳлар учун муҳимдир. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* КИН ривожланишини, яллиғланиш асоратларини ва такрорий касалхонага ётқизиш частотасини камайтириш- даволаниш ҳамда касалхонада қолиш харажатларини камайтиришни таъминлайди. Аторвастатиннинг юқори дозаларини профилактик қўллашнинг дастлабки иқтисодий самарадорлиги бир бемор учун ўртача 310000 сўмни ташкил қилди, шу жумладан нефропротектив терапия ва тикловчи даволашга бўлган эҳтиёжни камайтирди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 2 таси услубий тавсия ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланади, вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилик тавсифланади ва тадқиқотнинг амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилигини асослайди, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиқ беради. Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, ишнинг апробация натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича материаллар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида мавзунинг долзарблигини акс эттирувчи илмий тадқиқот маълумотлари умумлаштирилган ҳолда баён этилган. Хусусий тадқиқотлар қисмида юрак-қон томир касалликлари тузилмасидаги коронар юрак касаллигининг замонавий

хусусиятлари, аҳолининг ўлим ва ногиронлик даражасини ошираётган асосий сабаблардан бири сифатидаги ўрни ёритилган. Шунингдек, сурункали буйрак касаллиги, буйрак дисфункцияси ва контраст-индуцирланган ўткир буйрак шикастланиши ҳақида тушунчалар, уларнинг тарқалиши, патогенетик жиҳатлари ҳамда коронар юрак касаллиги билан оғриган беморлардаги клиник ва прогностик аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган. Ушбу бобда, айниқса, сурункали буйрак касаллиги ва буйрак функцияси бузилган беморларда коронар юрак касаллиги пайтида рентгеноконтраст диагностика ва даво усуллари кўллашга оид хусусиятларга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **тадқиқот материаллари ва усуллари** баён этилган.



**1- расм. Тадқиқот дизайни**

Тадқиқот 2023-2025 йилларда Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази базасида олиб борилган кўп марказли ретроспектив ва проспектив когортал тадқиқот характериға эга. Жами 100 нафар ретроспектив ва 160 нафар проспектив ўрганилган коронар юрак касаллиги ташхиси қўйилган беморлар тадқиқотга жалб этилган бўлиб, проспектив таҳлилда биринчи босқичда улар СБК мавжуд ва мавжуд эмаслигига қараб икки гуруҳга ажратилган. Иккинчи босқичда 146 нафар беморда рентгеноконтраст муолажаси ўтказилган.

Клиник-анамнестик, лаборатор, инструментал ва прогностик кўрсаткичлар баҳоланди. Алоҳида эътибор буйрак функцияси (КФТ, цистатин С, нефрин, коллаген IV), яллиғланиш маркёрлари (СРО, IL-1, IL-6, ЎНО-α), шунингдек, липид профили таҳлиliga қаратилди. Стандарт ва махсус визуализация усуллари (ЭКГ, эхокардиография, буйракларни УТТ) ҳамда сертификатланган лаборатория методлари қўлланилди.

Статистик таҳлил учун STATISTICA 10.0, Epi Info 7.2 дастурлари ва

аниқ таққослаш усуллари (t-критерий, Манн-Уитнининг U-тести,  $\chi^2$ , Fisher критерийи) ишлатилди. “Эътиборлилик даражаси  $p < 0,05$  сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг учинчи «**Коронар юрак касаллиги мавжуд беморларда сурункали буйрак касаллигининг клиник-прогностик аҳамияти**» деб номланган бобида КЮК билан оғриган беморларда стационар даври кечиши СБК мавжудлигига қараб таҳлил натижалари баён этилган.

СБК тарқалиши ва унинг прогностик аҳамиятини баҳолаш мақсадида барча танланган проспектив текширувдаги беморлар ( $n=160$ ) икки гуруҳга ажратилди: СБК мавжуд ( $n=82$ ) ва СБК мавжуд эмас ( $n=78$ ). СБК ташхиси КФТ $<60$  мл/дак/1,73 м<sup>2</sup> бўлган ҳолат ва/ёки буйрак тузилмасидаги ўзгаришлар анамнезда қайд этилган ҳолатда қўйилди. Иккала гуруҳда ҳам эркаклар устунлик қилди, аммо II гуруҳда эркаклар улуши сезиларли даражада юқори эди - 70,5% I гуруҳда 56,1% ( $p < 0,001$ ). Шунга қўра, аёллар сезиларли даражада кўпроқ СБК-когортага киришган - 43,9% га нисбатан 29,5%, бу аёллар популяциясининг кардиоренал синдром ва ўКС асоратлари шаклланишига нисбатан заифлигини акс эттирган.

#### 1-жадвал.

#### Ўткир коронар синдром мавжуд беморларда СБК мавжудлигига қараб клиник-анамнестик хусусиятлар ( $n=160$ )

Кўрсаткичлар	I гуруҳ ( $n=82$ )	II гуруҳ ( $n=78$ )	p-value
Аёллар, n (%)	36 (43,9%)	23 (29,5%)	$p > 0,05$
Эркаклар, n (%)	46 (56,1%)	55 (70,5%)	
Ёши, Q2 [Q1-Q3]	68 [62-71]	61,5 [56,7-66]	$p > 0,05$
Ёши 60 ёшдан катта, n (%)	69 (84,1%)	45 (57,7%)	$p < 0,001$
2 тип қандли диабет, n (%)	47 (57,3%)	12 (15,4%)	$p < 0,001$
Чекиш, n (%)	29 (35,4%)	40 (51,3%)	$p > 0,05$
Анамнездаги инсулт, n (%)	5 (6,09%)	2 (2,56%)	$p > 0,05$
Инфарктдан кейинги кардиосклероз, n (%)	7 (8,54%)	2 (2,56%)	$p > 0,05$
Артериал гипертензия, n (%)	71 (86,6%)	40 (51,3%)	$p < 0,001$
Анамнездаги стенокардия, n (%)	48 (58,5%)	41 (52,6%)	$p > 0,05$
Тана вазни индекси (ТВИ), кг/м <sup>2</sup> , Q2 [Q1-Q3]	28,5 [24,6-29,4]	25,6 [24,2-28,8]	$p > 0,05$

Ёш профили ҳам сезиларли фарқларни кўрсатди: I гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши 68 [62-71] ёшни, II гуруҳда эса 61,5 [56,7-66] ёшни ташкил етди ( $p < 0,001$ ). Шундай қилиб, СБК билан оғриган беморлар ўртача 6-7 ёшга катта бўлиб, ушбу гуруҳда 60 ёшдан ошганлар улуши 84,1% га етди, бу II гуруҳга (57,7%) нисбатан деярли 1,5 баравар юқори демакдир (1-жадвал).

Эндотелиал шикастланиш ва нефропатиянинг асосий метаболик қўзғатувчиларидан бири бўлган қандли диабетнинг 2 типи I гуруҳдаги

беморларнинг ярмидан кўпида - 57,3%, II гуруҳда эса - атиги 15,4% ( $p<0,001$ ), яъни 4 барабар кам учради. Чекиш, аксинча, СБК бўлмаган беморларда кўпроқ учради (51,3% га қарши 35,4%;  $p<0,05$ ). Инфарктдан кейинги кардиосклероз (8,54% га нисбатан 2,56%) ва анамнезда стенокардия (58,5% га нисбатан 52,6%) I гуруҳ беморларида сезиларли даражада кўпроқ қайд этилди.

ЎКС бўлган беморларнинг стационар босқичдаги асосий клиник-функционал хусусиятлари СБК мавжудлигига қараб тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал.**

**СБК мавжудлигига қараб ЎКС бўлган беморларнинг стационар босқичдаги клиник-функционал хусусиятлари (n=160)**

Кўрсаткичлар		I гуруҳ (n=82)	II гуруҳ (n=78)	p-value
Олдинги локализацияли МИ, n (%)		48 (58,5)	36 (46,2)	$P>0,05$
Орқадаги локализацияли МИ, n (%)		34 (41,5)	42 (53,8)	
Киллип бўйича ЎЙЙ синфлари	I	30 (36,6)	44 (56,4)	$P<0,05$
	II	26 (31,7)	24 (30,8)	
	III	24 (29,3)	9 (11,5)	
	IV	2 (2,44)	1 (1,25)	
Қабул пайтидаги анемия, n (%)		37 (45,1)	16 (20,5)	$P<0,01$
МФА, n (%)		62 (75,6)	39 (50,0)	$P<0,01$
Гиперхолестеринемия, n (%)		68 (82,9)	53 (67,9)	$P<0,05$
Қабул пайтидаги гликемия даражаси, ммол/л, Q2 [Q1-Q3]		6,65 [5,1– 8,25]	5,05 [4,6–5,6]	$P<0,01$
Қон зардобдаги калийнинг даражаси, ммол/л, Q2 [Q1-Q3]		4,8 [4,5–5,1]	4,2 [4,0–4,4]	$P<0,001$
Чап қоринча чиқариш фраксияси, % Q2 [Q1-Q3]		44 [41,7–53]	49 [42,7–57]	$P<0,001$
Қабул пайтида КФТ<60 мл/мин/1,73 м <sup>2</sup> , Q2 [Q1-Q3]		54,1 [38,6– 74,4]	102 [98,6– 106]	$P<0,001$
Чиқариш вақтидаги КФТ<60 мл/мин/1,73 м <sup>2</sup> , Q2 [Q1-Q3]		56,0 [40,9– 74,0]	101 [96,2– 105]	$P<0,001$
Қабул пайтида креатинин, мкмол/л, Q2 [Q1-Q3]		117,5 [86,3– 159]	62,5 [59,5– 64,6]	$P<0,001$
Чиқариш вақтидаги креатинин мкмол/л, Q2 [Q1-Q3]		114,5 [86,7– 152,5]	65 [61-66,2]	$P<0,001$
Прогрессияланувчи БД, n (%)		7 (8,5)	2 (2,6)	$P>0,05$
БФ яхшиланиши, n (%)		35 (42,7)	38 (48,7)	
КФТ динамикаси йўқлиги, n (%)		40 (48,8)	38 (48,7)	

МИ нинг олдинги локализацияси II гуруҳда бироз кўпроқ учради (58,5% га нисбатан 46,2%), аммо фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади, бу иккала когортада миокарднинг ишемик шикастланишининг



бир хиллигини кўрсатади. Киллип функционал таснифига кўра, I ва II гуруҳда I ва III функционал синф (мос равишда 36,6 % ва 29,3 % ҳамда 56,4 ва 11,5 %) учраган бўлса, II функционал синф II гуруҳ беморларнинг 30,8 % да, I гуруҳ беморларнинг 31,7 % да қайд этилди. IV функционал синф I гуруҳ беморларнинг 2,44 %, II гуруҳ беморларнинг эса 1,25% да аниқланди.


Қабул пайтида анемия иккала гуруҳда ҳам таққосланадиган даражада қайд этилган (45,1% ва 20,5%), аммо СБК билан оғриган беморларда гликемия даражаси сезиларли даражада юқори бўлди - 6,65 [5,1-8,25] ммол/л қарши 5,05 [4,6-5,6] ммол/л ( $p<0,001$ ), бу стресс билан боғлиқ гипергликемия ва диабетик компонентнинг кардиоренал хавф шаклланишига қўшган ҳиссасини тасдиқлайди.

Гиперхолестеринемия СБКда деярли икки баравар кўпроқ қайд этилган - II гуруҳдаги 82,9% га нисбатан 67,9% ( $p<0,001$ ), бу ҳам коронар, ҳам буйрак патологиясининг ривожланишида иштирок этадиган сурункали атероген юklamани таъкидлайди.

Энг яққол фарқлар буйрак функцияси параметрлари бўйича аниқланди. КФТ қабул пайтида I гуруҳ беморларида 1,9 баравар паст бўлган - 102 мл/мин/1,73 м<sup>2</sup> га нисбатан 54,1 ( $p<0,001$ ), креатинин даражаси эса деярли икки баравар юқори бўлди - 62,5 мкмол/л га нисбатан 117,5 ( $p<0,001$ ).

Ҳатто касалхонадан чиқиш вақтига келиб, иккала кўрсаткич бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқ сақланиб қолди, бу СБКда буйрак шикастланишининг доимий хусусиятини кўрсатади.


2-расмдан кўриниб турибдики, КАГ иккала гуруҳдаги барча беморларда амалга оширилган, ТОКА бажарилиш частотаси эса гуруҳлар орасида фарқланган, СБК мавжуд бўлганда унинг частотаси бироз пастроқ бўлган. Шунини таъкидлаш керакки, СБК гуруҳида ТОКА улушининг пасайиши нафақат тактик чекловлар, балки обектив клиник шароитлар билан ҳам боғлиқ.



**2-расм. Текширилаётган беморларда коронарография ва ТОКА ўтказиш частотаси (n=160)**

Комплекс текширувнинг госпитал босқичи доирасида мултифокал атеросклероз (МФА) белгиларини верификация қилиш мақсадида 160 нафар беморга брахиоцефал артериялар (БЦА) ва периферик оёқ артериялари УТТ-доплер текшируви бажарилди.

МФАнинг ҳавзалар бўйича тақсимланишини, шунингдек, гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли стенозлар частотасини визуаллаштириш 3-расмда келтирилган.




**3-расм. ЎҚС билан оғриган беморларда СБК мавжудлигига қараб мултифокал атеросклероз даражаси (n=160), %**

Коронар артерияларнинг изоляцияланган шикастланиши СБК билан оғриган беморларнинг атиги 20 нафарида, II гуруҳда эса 39 нафарида учради. Аксинча, I гуруҳдаги беморларнинг 27 нафарида, II гуруҳдаги беморларнинг 31 нафарида қон томир ҳавзаларининг  $\geq 2$  шикастланиши аниқланди. Бундан ташқари,  $\geq 3$  ҳавзанинг шикастланиши асосан СБК-когортда учради, бу эса ушбу тоифадаги беморларда қон томир шикастланишининг кўп тизимли хусусиятини тасдиқлайди. Иккала гуруҳда ҳам МФА белгиларининг йўқлиги жуда кам учради.

Тадқиқот натижалари СБК бўлган беморларда атеросклеротик шикастланишнинг кўпроқ учраши ва кучлироқ ифодаланиши билан боғлиқ эканини кўрсатди (3-расм).

ЎҚС ли беморларда коронар шикастланишнинг табиати нафақат реваскуляризация тактикасини, балки узоқ муддатли прогнозни ҳам белгилайди. СБК билан оғриган беморларда коронар оқимни таҳлил қилиш алоҳида клиник ва патогенетик аҳамиятга эга, чунки беморларнинг айнан шу тоифаси атеросклерознинг тезлашиши ва кўп ўчоқли қон-томир шикастланишига мойиллиги билан тавсифланади. Бир томирли зарарланиш СБК бўлмаган беморларда сезиларли даражада тез-тез учрайди - I гуруҳдаги 45 нафарга қарши 29 нафар ( $p < 0,01$ ), бу буйрак патологияси бўлмаган

гуруҳда коронар атеросклерознинг кўпроқ локализацияланган хусусиятини кўрсатади.




#### 4-расм. Текширилаётган беморларда коронар оқимнинг шикастланиш даражаси (n=160)

Икки томирли зарарланиш, аксинча, СБК билан оғриган беморларда устунлик қилди - II гуруҳдаги 31 нафарга қарши 47 нафар ( $p < 0,01$ ). Шундай қилиб, СБК билан оғриган беморларда иккинчи коронар хавзанинг жалб қилиниши эҳтимоли 1,4 барабар юқори бўлиб, бу кардиоренал когортадаги атеросклеротик жараённинг тизимли хусусиятини тасдиқлайди. Кўп томирли зарарланиш ( $\geq 3$  коронар артерия) иккала гуруҳда ҳам нисбатан паст частота билан қайд этилди (мос равишда 8 ва 2), аммо бу ерда ҳам СБК билан оғриган беморларда оғирроқ зарарланиш тенденцияси сақланиб қолган, бу ТОКА стратегиясини танлаш ва тўлиқ бўлмаган реваскуляризация хавфини баҳолаш учун муҳимдир.

ЎКС билан оғриган беморларнинг клиник-функционал ҳолатини таҳлил қилиш доирасида СБК нинг босқичига алоҳида эътибор қаратилди, чунки КФТ нинг пасайиш даражаси нафақат нефрологик прогнозни, балки юрак қон-томир натижаларини ҳам белгилайди. СБК нинг 2 ва 3 босқичдаги беморлар танланманинг асосини ташкил қилди, бу буйрақларнинг ўртача ва сезиларли даражада пасайган функциясининг устунлигини кўрсатади. Шундай қилиб, 2-босқич (КФТ 60-89 мл/мин/1,73 м<sup>2</sup>) 25 беморда (30,5%), 3 босқичи (30-59 мл/мин/1,73 м<sup>2</sup>) эса 43 беморда (52,4%) аниқланди. Ушбу беморлар максимал кардиоренал хавф гуруҳини ташкил қилади, чунки айнан шу босқичларда эрта функционал бузилишлардан қон-томир ва гломеруляр оқимнинг структуралӣ ремоделланишига ўтиш содир бўлади.

3А босқичи (КФТ 45-59 мл/мин/1,73 м<sup>2</sup>) 20 беморда (24,4%) қайд этилган, бу перфузия захирасини сақлаб қолган ҳолда аллақачон ривожланган сурункали буйрак касаллигини акс еттиради, аммо ЎКС ишемик стресси шароитида ривожланиш хавфи юқори.

ЎКСда СБК билан оғриган беморларнинг аксарияти 2-3 босқичлари билан ифодаланади, бу тизимли атеросклеротик ва тромбоген хавф юқори бўлган гуруҳни тавсифлайди.



#### 5-расм. Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларнинг босқичлар бўйича тақсимланиши (n=82)

СБК босқичига қараб клиник-анамнестик хусусиятларни таҳлил қилиш прогноз, КИН хавфи ва мултифокал атеросклероз частотасидаги фарқларга асосланган механизмларни аниқлашга имкон беради (3-жадвал). СБКнинг 1-2 босқичларида катта ёшдаги шахслар, асосан аёллар устунлик қилди (мос равишда 75,0% ва 48,0%), бу буйрак дисфункциясининг янада яширин ва секин ривожланувчи кечишини акс эттиради. Бироқ, 3-босқичдан бошлаб эркаклар контингентига (65,1%) сезиларли силжиш содир бўлади, бу касалликнинг атеротромботик асоратларнинг тез шаклланиши билан янада тажовузкор босқичга ўтишини кўрсатади.

Метаболик бузилишлар, хусусан, 2 тип ҚД барча босқичларда кенг тарқалган (53,6-100%), аммо уларнинг клиник аҳамияти КФТ пасайиши фонида кучайган, бу эса диабетик микроангиопатиянинг кардиоренал синдром шаклланишидаги етакчи ролини тасдиқлайди. Параллел равишда миокарднинг сурункали ишемияси белгилари ортиб борди: ИККС ли беморларнинг улуши 3-босқичда 6,98% дан 4-босқичда 66,7% гача ошди, бу буйрак функциясининг ёмонлашиши билан юракнинг қайтариб бўлмайдиган структуравий шикастланишларининг тўпланишини кўрсатади. Семизлик ( $\text{ТМИ} \geq 25 \text{ кг/м}^2$ ) бўйича маълумотлар алоҳида қизиқиш уйғотади, унинг частотаси КФТ пасайишига мутаносиб равишда ошди: 1-босқичда 37,5% дан 4-босқичда 100% гача бўлди. Бу СБК да айнан метаболик яллиғланиш тизимли атеросклероз ривожланишининг асосий механизмига айланиб, ЎКС кечишини оғирлаштириши ва стандарт терапия самарадорлигини пасайтиришини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, СБКнинг 3-4 босқичи сурункали ишемия, микроангиопатия ва метаболик зўриқиш комбинацияси билан тавсифланган

клиник фенотипни шакллантиради - бу КИН, такрорий ишемик ҳодисалар ва касалхонада ўлим хавфини оширадиган критик комбинация ҳисобланади. Умуман олганда, олинган маълумотлар СБК босқичи нафақат биокимёвий кўрсаткич, балки ЎКС оғирлигини интеграл маркери эканлигини тасдиқлайди.

### 3-жадвал.

#### ЎКС билан оғриган беморларнинг СБК босқичига қараб клиник ва анамнестик хусусиятлари (n=82)

Кўрсаткич	1-босқич n=8	2-босқич n=25	3-босқич n=43	4-босқич n=6	P
Аёллар, n (%)	6 (75,0%)	12 (48,0%)	15 (34,9%)	3 (50,0%)	p<0,05
Эркаклар, n (%)	2 (25,0%)	13 (52,0%)	28 (65,1%)	3 (50,0%)	p<0,05
Ёши, ёш, Q2 [Q1-Q3]	68 [64,2-69]	69 [63-72]	67 [61-71]	67 [64,2-73,5]	-
Ёши ≥60 ёш, n (%)	8 (100,0%)	21 (84,0%)	34 (82,9%)	6 (100,0%)	-
2 тип қандли диабет, n (%)	5 (62,5%)	14 (56,0%)	22 (53,6%)	6 (100,0%)	-
Чекиш, n (%)	3 (37,5%)	9 (36,0%)	15 (36,5%)	2 (50,0%)	-
Анамнездаги инсулт, n (%)	0 (0%)	0 (0%)	2 (4,65%)	3 (50,0%)	p<0,01
Анамнездаги ИККС, n (%)	0 (0%)	0 (0%)	3 (6,98%)	4 (66,7%)	p<0,01
Анамнездаги АГ, n (%)	6 (75,0%)	21 (84,0%)	38 (88,4%)	6 (100%)	-
Анамнездаги Стенокардия, n (%)	3 (37,5%)	13 (52,0%)	28 (65,1%)	4 (66,6%)	-
ТВИ ≥25 кг/м2, n (%)	3 (37,5%)	16 (64,0%)	23 (53,5%)	6 (100,0%)	-
ТВИ, кг/м2, Q2 [Q1-Q3]	23,6 [22,5-37,6]	27,7 [24,7-29,7]	25,6 [24,8-28,3]	28,2 [27,7-29,9]	-

ЎКС билан оғриган беморларда СБК босқичига қараб клиник ва инструментал кўрсаткичлар 4-жадвалда келтирилган. ЎКС га клиник-функционал реакция СБК ининг ривожланиши билан сезиларли даражада ўзгаради, бу юрак қон-томир хавфи нуқтайи назаридан, СБК босқичларининг нотекислиини тасдиқлайди. СБКнинг дастлабки босқичларида (1-2) беморларнинг аксарияти гемодинамик барқарорликни сақлаб қолди - Киллип I синфи 1-босқичда 75,0% ва 2-босқичда 40% да қайд этилди. Бироқ, 3-босқичда декомпенсация томонга силжиш кузатилади: юрак етишмовчилиги белгилари (Киллип II) бўлган беморларнинг улуши 27,9% га етди, бу миокарднинг ишемик юкламага бардош бериш қобилятининг пасайишини кўрсатади. 4-босқичда фақат қисман компенсатор реакция (16,7% Киллип I) сақланиб қолади, аммо бу ҳолатнинг барқарорлигидан кўра кўпроқ физиологик захираларнинг терминал тугашини акс эттиради.

**4-жадвал.**

**ЎКС билан оғриган беморларда СБК босқичига қараб клиник ва инструментал кўрсаткичлар (n=82)**

Кўрсаткич		1- босқич n=8	2- босқич n=25	3- босқич n=43	4-босқич n=6	P
Олдинги жойлашувдаги МИ, n (%)		4 (50,0%)	11 (44,0%)	28 (65,1%)	5 (83,3%)	>0,05
Орқадаги жойлашувдаги МИ, n (%)		4 (50,0%)	14 (56,0%)	15 (34,9%)	1 (16,7%)	>0,05
Киллип бўйича ЎЙЙ синфлари	I	6 (75,0%)	10 (40,0%)	13 (30,2%)	1 (16,7%)	
	II	1 (12,5%)	13 (52,0%)	12 (27,9%)	-	<0,01
	III	1 (12,5%)	2 (8,0%)	17 (39,5%)	4 (66,7%)	
	IV	-	-	1 (2,33%)	1 (16,7%)	
ЧҚОФ (чап қоринча отиш фраксияси), %, Q2 [Q1-Q3]		45,5 [42,5– 46,2]	50 [46- 53]	47 [44- 54]	45 [44- 46,7]	>0,05
ЧҚОФ (чап қоринча отиш фраксияси) <40%, n (%)		1 (12,5%)	5 (20,0%)	13 (31,7%)	6 (100,0%)	<0,001
БФ ёмонлашиши, n (%)		-	1 (4,0)	2 (4,65%)	4 (66,7%)	<0,01
БФ яхшиланиши, n (%)		5 (62,5%)	16 (64,0%)	14 (32,6%)		
КФТ динамикаси, n (%)		3 (37,5%)	8 (32,0%)	27 (62,8%)	2 (33,3%)	

Чап қоринча қон отиб бериш фраксияси медиана кўрсаткичлари бўйича таққосланадиган бўлиб қолди (45-50%), бироқ айнан оғир систолик дисфункция частотаси (ЧФ <40%) СБК босқичига аниқ боғлиқлигини кўрсатди: 1-2 босқичларда ягона ҳолатлардан (12,5% ва 20,0%) 3-босқичда 31,7% гача ва 4-босқичда 100,0% гача бўлди. ЎКС фонида буйрак функциясининг ёмонлашиши кўпинча 1-босқичда қайд этилмади. Бироқ, СБК ривожланиши билан парадоксал барқарорлашув содир бўлади: 3-босқичда ёмонлашув фақат 4,65% ҳолларда кузатилди. Шундай қилиб, клиник-инструментал кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатадики, ЎКС да СБК босқичи инфаркт характери эмас, балки унга организмнинг жавоб реакцияси характери белгилайди. 3-босқичдан бошлаб, СБК нафақат миокардни, балки буйракларни ҳам ягона патофизиологик занжирга жалб қилиб, ўткир ходисани тизимли декомпенсацияга айлантиради.

ЎКС билан оғриган беморларда СБК босқичига қараб лаборатория кўрсаткичлар 5 жадвалда келтирилган.

**ЎКС билан оғриган беморларда СБК босқичига қараб лаборатория кўрсаткичлари (n=82)**

Кўрсаткич	1-босқич n=8	2-босқич n=25	3-босқич n=43	4-босқич n=6	P
Касалхонага ётқизиш пайтидаги анемия, n (%)	1 (14,3%)	7 (28,0%)	23 (53,5%)	6 (100,0%)	P<0,01
Гемоглобин, г/л, Q2 [Q1-Q3]	143 [131,5–147]	138 [130–151]	123 [104–131]	86,5 [78,9–98,7]	P<0,01
Гликемия (қон қанд миқдори), ммол/л, Q2 [Q1-Q3]	7,17 [6,05–7,57]	7,2 [5,1–8,8]	6,31 [5,1–8,3]	5,95 [4,8–7,62]	P<0,01
Гиперхолестеринемия, n (%)	7 (87,5%)	22 (88,0%)	33 (76,7%)	6 (100,0%)	P>0,05
Касалхонага ётқизиш пайтидаги Креатинин, мкмол/л, Q2 [Q1-Q3]	59 [56,0–68,0]	88 [79–98,4]	137 [120,2–162,0]	260,5 [236,5–278,5]	p<0,001
Касалхонадан чиқиш пайтидаги Креатинин, мкмол/л, Q2 [Q1-Q3]	62,5 [59–69,7]	90 [81,0–95,0]	133 [118–158]	247,5 [226,2–265]	p<0,001
КФТ касалхонага ётқизиш пайтида, мл/мин/1,73 м <sup>2</sup> , Q2 [Q1-Q3]	94,1 [92,2–98,9]	72,4 [65,7–78,2]	44,3 [36,3–53,6]	19,6 [17,9–20,0]	p<0,001
КФТ касалхонадан чиқиш пайтида, мл/мин/1,73 м <sup>2</sup> , Q2 [Q1-Q3]	91,7 [89,6–97,6]	72,1 [65,8–74,7]	45,3 [38,7–55,8]	20,7 [19,2–21,3]	p<0,001

ЎКС билан оғриган беморларнинг лаборатория профили СБК босқичининг ошиши билан асосий метаболик ва гематологик параметрларнинг прогрессив ёмонлашишини кўрсатди, бу эса кардиоренал декомпенсациянинг тизимли хусусиятини тасдиқлайди.


Касалхонага ётқизилганда анемия частотаси статистик жиҳатдан сезиларли фарқларга эга бўлиб, гемоглобин даражасининг динамикаси сурункали анемия синдромининг шаклланишини аниқ кўрсатди: ўртача қийматлар 1-босқичда 143 г/л дан 4-босқичда 86,5 г/л гача камайди (p<0,01).

СБКда глюкоза даражаси метаболик компенсация маркери аҳамиятини йўқотади ва стресс реакциясининг акси бўлиб қолади, патогенетик ролни эса азот метаболитлари ўйнай бошлайди. Гиперхолестеринемия 1-босқичда 87,5 %, 2-босқичда 88,0 %, 3-босқичда 76,7 %, 4-босқичда эса 100,0 % беморда кузатилди.

Қабул пайтида креатинин даражаси каскадли равишда ошди - 1-босқичда 59 мкмол/л дан 4-босқичда 260,5 мкмол/л гача (p<0,001), шу билан бирга КФТ мос равишда 94,1 дан 19,6 мл/мин/1,73 м<sup>2</sup> гача камайди. Шундай қилиб, буйрак функцияси гемодинамикани тузатишга жавоб бермайди, бу эса КИН ва метаболик мослашувнинг кечикиши хавфини ошириши аниланди.

ЎКС билан оғриган беморларда СБК босқичига қараб стационарда ўтказилган реваскуляризация терапия ҳақидаги маълумотлар 6-расмда келтирилган.






### 6-расм. ЎКС билан оғриган беморларда СБК босқичига қараб КАГ ва ТОКА амалиётлари (n=82), %

КАГ текшируви барча беморларда ўтказилди, бу эса СБК мавжудлиги инвазив ташхислаш учун мутлақ қарши кўрсатма бўлиб хизмат қилмаслигини исботлайди. Бироқ, унинг 4-босқичда пасайиши терминал босқичдаги буйрак дисфункциясида аралашувларни чеклаш бошланишидан далолат беради.

ТОКА 1-босқичда 87,5% ўтказилди, 2-3 босқичларда энг юқори даражага етди (96,0-88,4%), сўнгра 4-босқичда яна 33,3% гача пасайди.

МФА тарқалишининг таҳлили шуни кўрсатдики, СБК ривожланиши билан қон томир шикастланишининг изоляцияланган коронар оқимдан бир нечта артериал ҳавзаларнинг тизимли иштирокига силжиши содир бўлади. МФА белгиларининг йўқлиги фақат СБКнинг эрта босқичларида (1-босқичда) қайд этилди, 3-4 босқичларда эса изоляцияланган коронар атеросклероз ҳолатлари деярли кузатилмаган.



### 7-расм. ЎКС билан оғриган беморларда коронар атеросклерознинг СБК босқичига боғлиқ хусусиятлари, %

Фақат коронар артерияларнинг изоляцияланган шикастланиши 1-2 босқичларда қайд этилди, 3-4 босқичларда эса деярли кузатилмаган. Иккита қон томир ҳавзасининг шикастланиши барча босқичларда қайд этилган, аммо

прогрессив ўсиш кузатилмади. Касаллик ривожланишининг энг яққол белгиси уч ва ундан ортиқ ҳавзаларнинг зарарланиши бўлиб, унинг частотаси 3-4 босқичларда энг катта кўрсаткичга етди.

ЎКС билан оғриган беморларда коронар шикастланишнинг таҳлили шуни кўрсатдики, СБК босқичининг кўпайиши кўп томирлар шикастланиши билан кечувчи атеросклерознинг ривожланиши билан бирга келади (7-расм).

1-2 босқичларда кўпинча бир томирли зарарланиш аниқланган (50%-32,0%), 3-4 босқичларда эса учта ва ундан ортиқ коронар артерияларнинг зарарланиши устунлик қилди (2,4-100,0%). ЧКАнинг стволининг зарарланиш частотаси пастлигича қолди. Олинган маълумотлар СБКнинг кечки босқичларида систолик дисфункция (ЧФ <40%) частотасининг илгари аниқланган ўсишига мос келади ва кўплаб коронар шикастланишлар миокарднинг насос функцияси ёмонлашувининг анатомик асоси эканлигини кўрсатади.

СБК мавжуд бўлганда стационар даврда прогноз нафақат ўлимнинг бевосита хавфига, балки миокарднинг эрта ремоделланиши ва кейинчалик такрорий ишемик эпизодлар хавфини белгилайдиган ўлимга олиб келмайдиган ҳодисалар частотасига боғлиқ (8-расмга қаранг).

Такрорий КАГ иккала гуруҳда ҳам паст частотада қайд этилган (мос равишда 3 ва 1 нафар бемор), бу бажарилган аралашувларнинг қиёсий техник самарадорлигини ва СБКнинг реваскуляризациянинг бевосита муваффақиятига таъсирининг йўқлигини кўрсатади. Инфарктнинг қайталаниш частотаси гуруҳлар бўйича (иккала гуруҳда 1 нафар бемор) фарқ қилмади ва эрта инфарктдан кейинги стенокардия 3 ва 2 нафар беморларда кузатилди, бу ўткир тромботик беқарорлик СБК мавжудлигидан қатъи назар бир хил даражада назорат қилинишини тасдиқлайди.

